



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 июн, жума № 75 (722)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Касаба уюшма ҳаёти: ҳисобот ва сайловлар

ЙИГИЛИШ МИНБАРИДАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР


Ўзига хос имтихон ролини ўтаётган ҳисобот-сайловлар кизгин паллага кирди. Йигилиш иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида ўртага қўйилган долзарб масалалар атрофида кизгин фикр-мулоҳаза юритмоқдалар. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш, аёллар меҳнатини энгилаштириш, уларга яратилаётган имтиёزلардан унмлли фойдаланишга оид қимматли таклифларни ўртага ташламоқдалар.

— Тўрақўрғон туман ижтимоий таъминот бўлимининг 45 нафар ходими 16385 нафар пенсионер ва нафақа олувчига хизмат қилади, — дея таъкидлади музокарада иштирок этган бўлим мудири Д.Холиқова. — Ҳисобот даврида аввал билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқарилди. Республика кўргазмали семинари туманимизда ўтказилиши фаолиятни янада жонлантиришда муҳим омил бўлди. Эътиборлиси шуки, бу йил ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда 34 та ногиронлар арачаси олиниб муҳтожларга берилди. Ижтимоий таъминот бўлими қўшимча хоналарга эга бўлди. Бироқ ижро интизомини мустаҳкамлаш, нафақаларни вақтида эгаларига етказишда айрим ходимларда масъулият ҳисси етишмаётди. Биз бағоят керакли, савоб ишни бажарётганимизни унутмаслигимиз керак.

— Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтаётганлигини ҳис қилаяпмиз, — дейди билим юрти ходими Л.Тўрақўжаева. — Талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлашга эътибор кучайди. Бу ерда тиббиёт хонаси ташкил этилган. Мунтазам равишда ўғил ва қизлар махсус кўрикдан ўтказиб турилади. Саломатлигидан нолиганлар даволанадилар. Уларга парҳез таом учун имтиёзли талонлар берилди. Касаба уюшма ташкилоти ўқувчи ва ходимлар маошлари, талабалар стипендияларини ўз вақтида олишларини қатъий назорат остига олган.

Билимгоҳ кутубхонаси умумий фонди 54 минг нусхани ташкил этади. Турли мавзудаги конференциялар, баҳс-мунозаралар ўтказилаётганлиги кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Суратда: Қабул пайти. А.Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июн кун Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Ци-чени қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди. Ислам Каримов Хитой халқи улкан тарихга эга эканлигини таъкидлади ва айни пайтда бу мамлакат раҳбариятининг сиёсати икки томонлама ҳамкорлик ривожини унмлли қўлай имко-

ниятлар яратётганини қайд этди. Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати Хитой билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш масаласига катта аҳамият беришини ҳам айтиб ўтди.

Икки мамлакатнинг ҳамкорлиги ҳусусида сўз кетганда, биринчи навбатда транспорт коммуникацияларига тўхталди. Европа билан Осиёни туташ-

тирувчи қадим Буюк Ипак йўлининг ҳозирги кунда автомобил ва темир йўллари қиёфасида қайта тикланаётганида Хитойнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1998 йилда 86 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Агар Андижон-Уш-Қашқар йўналиши сингари мамлакатимизни Хитой билан боғловчи темир йўл ва автомобиль магистраллари ишга тушса, бу кўрсаткич бир неча баробарга ўсиши шубҳасиз.

Ц.Цичен икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун

имкониятлар кўплигини айтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларга оид, шунингдек, томонларни кизиктирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов, ташқи ишлар вазирлиги ва мухтор элчилик вазири А.Комиллов иштирок этди.

Қабулда Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, Меъморлар уюшмалари, «Олтин мерос», «Камолот», «Умид», «Улугбек», «Наврўз» жағмармалари ва кенг жамоатчиликнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилаларига биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бериш мақсада мувофиқ деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодли намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилсин;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан таъинланади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртига кириш имтихонларсиз қабул қилинадилар.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Фанлар академияси, Бадий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган кўрак нишони ҳамда дипломи намунаси тасдиқлансин.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги Низом, мукофот комиссияси тўғрисидаги Низом ва комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга кўмак раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Давлат мукофотини бериш, кўрак нишони ва дипломининг тайёрлаш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратсин.

7. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 июн

ЧИРОҚЧИДА ЯНГИ ФАБРИКА

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида Республика меҳнат вазирлиги, «Бизнес фонд», Германиянинг «Паффа-Зингер» компанияси ҳаммуассислигида янги қўшма корхона — тикувчилик фабрикаси ишга тушди. «Бизинтуд-Чироқчи» деб номланган бу корхонада 60 нафар ёшлар меҳнат қила бошладилар. Улар Германиядан келтирилган ўрнатилган қирқта замонавий машинада ҳар ойда 12 миллион сўмлик турли кийим-кечак тикиб чиқаради.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда янги қувватлар ишга солиноқда. Бу ерда германиялик ҳамкорлар билан бирга электр печь қурилиши ниҳосига етказилаётди. Унинг ишга туширилиши натижасида йилга 550 минг тонна пўлат янги технология асосида эритилади. Корхонада чиқарилаётган кон-металлургия комбинатлари учун гоят зарур пўлат заводаларга талаб тобора ортмоқда. Ҳадемай бу ерда айлана ҳажми 125 миллион метрлик камбоз заводалар ҳам тайёрлана бошлайди.

10 июн кун Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Ци-чени бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг жўғрофий жиҳатдан яқинлиги қадимдан бу икки мамлакатнинг турли соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириб келишига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб бу муносабатлар тенг ҳамкорлик асосида янги босқичда янада изчил давом этмоқда. Учрашувда хитойлик нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташриф буюриши мазкур давлатнинг мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлигини йўлга қўйиш

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

га тайёрлигидан далолат эканлиги таъкидланди. Бу алоқаларни тараққий эттиришда Европадан Шарқий Осиёга йўл айнаган Ўрта Осиёдан ўтганлиги катта ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Учрашув сўнггида Хитой томонидан Ўзбекистонга берараз ёрдам сифатида 5 миллион юан ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳужжат имзоланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов, ташқи ишлар вазири Э.Фаниев иштирок этди.

Учрашувда Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

МАКТАБЛАР ТАХТ

Сурхондарё вилояти Узун тумани мактаблари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу ерда узоқ йиллардан буён одат тусини олган, ўқувчиларнинг ёзги таътилга чиқишидан бошлаб, то янги ўқув йилига қадар давом этадиган мактабларни таъмирлаш билан боғ-

лиқ барча ишлар қисқа фурсатда бажарилди. Бунда юқори ташкилотлардан ёрдам кутиб ўтирмади, ички имкониятлардан фойдаланилди, ҳомийлар топилди. Мактабларни янги ўқув йилига намунали ҳозирлаш туман ҳокимлиги назоратида олиналди.

РЕЖА УЧ КУНДА БАЖАРИЛДИ

Кизилтепа тумани Ўртачўл массивида жойлашган «Янги кудук» дехқон-фермерлар уюшмаси галларкорлари уч иш кунинда йиллик шартнома режасини ошириб бажарди. Мавжуд 440 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 22 центнер ўрнига ўртача 35 центнердан ҳосил кўтарилди. Эсон Асадов, Ҳомид Ёдгоров, Тўла Шабонов, Раҳман Жумаев, Суннат Бобоёров сингари фермерлар гектар бошига 45-50 центнердан хирмон уйдилар.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

КОСОВО МОЖАРОСИ АТРОФИДАГИ ГАЛЛАР

П А Р И Ж. Европа ижтимоий тараққий жағмармаси раҳбарияти косоволик қочқинларга бегараз ёрдам тариқасида икки миллион евро ажратишга қарор қилди. Жағмарманинг бу ҳақдаги ҳужжатида кўрсатилишича, мазкур маблағ БМТнинг Косово қочқинларига ёрдам кўрсатаётган ташкилотлари ҳисобига ўтказилди. Хусусан, БМТ таракқиёт дастурига 1,1 миллион, Қочқинлар бўйича олий комиссарлигига эса 900 минг евро ажратилди.

Р И М. Косовода тинчликни қарор топтириш борасида ўтказилиши режалаштирилган операцияларда НАТОга аъзо мамлакатлардан 50 минг, Россиядан эса 10 минг нафар ҳарбий иштирок этади.

Маълумотларга қараганда, ушбу операцияда Буюк Британиядан ўн уч минг, Германиядан саккиз минг,

АҚШ ва Франциядан етти минг, Италиядан эса беш минг нафар ҳарбий қатнашади. Шунингдек, Голландия, Испания, Бельгия, Греция ҳукумати ҳам мингдан ортиқ ҳарбийи ушбу тadbирга юборилишини маълум қилди. Қисқаси, Европанинг даярлик барча мамлакатлари ўз ҳарбийларини Косовога жўнатади.

К Ё Л Н. Югославия таракқиёт бўйича Черногория Косовога киритилиши режалаштирилган халқаро тинчлик кулларига хайрихоҳдир, деб баёнот берди Черногория президенти Мило Жуканович.

У АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт билан учрашувдан сўнг журналистларга бу ҳақда маълум қилиб, серб кулларини Косово худудидан чиқарилишига ишонди билдирди. Ўз навбатида, М.Олбрайт журналистлар билан бўлган учрашувда, АҚШ Черногорияда иқтисодий ислохотлар ўтказиш ва

демократияни қарор топтириш учун ушбу мамлакатга яқиндан ёрдам беражигини таъкидлади. Жумладан, АҚШ Давлат котиби Черногорияга шу кунгача 40 миллион доллар ажратилганини айтиб, Оқ уй бунга яна 20 миллион қўшишга тайёрлигини маълум қилди.

Н Ё Ю - Й О Р К. БМТ Қочқинлар бўйича олий комиссарлиги маълумотига қараганда, Косово можароси кескинлашганидан буён 800 мингга яқин киши ўз турув жойини ташлаб, бошқа мамлакатлар худудидан паноҳ топган. Қочқинларнинг асосий қисми Албанияда жойлашган. Ушбу мамлакатда косоволик қочқинлар сони қарийб 450 мингга ташкил қилади. Шунингдек, айни пайтда Македонияда 247 минг, Черногорияда 70 минг, Босния ва Герцеговинада эса 22 минг қочқин истиқомат қилаётди.

(ЎЗА)

Шарҳловчи минбари КАМБОЖА: «ПОППОТЧИ»ЛАР СУДГА ТОРТИЛМОҚДА

Яқинда Камбожа пойтахти Пномпенда «қизил қомарлар» йўлбошчиларидан бири - дала қўмондони Нуон Паёт устидан суд жараёни бўлиб ўтди. Бу шавх уч нафар хорижий сайёҳга нисбатан қотиллик уюштиришда айбонди. Мазкур суд «қизил қомарлар» етакчилари устидан амалга оширилган илк жараён бўлгани боис халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди.

1994 йилда Нуон Паёт бошчилик қилган «полпотчи»лар гуруҳи Пномпен-Сиаунувил йўналиши бўйича қатнаётган поездни тўхтатган ва австралиялик Дэвид Уилсон, буюк британиялик Марк Слэттер ва французиялик Жан-Мишел Бракени гаровга олган. Асирларни 150 минг доллар эвазига қутқариб олиш борасида уч ой давом этган музокаралар натижасида тугагач, терговнинг аниқлашича, қўзғолончилар уларни Н.Паётнинг буйруғига биноан қатл этади. Бирок «полпотчи»лар гуруҳининг собиқ йўлбошчиси ўзига қўйилган барча айбонларни рад этди ва асирларни ўлдирдишга буйруқини генерал Сам Бит ва полковник Чук Рин берганини маълум қилди. Бу шавхлар ўз вақтида айбонувчининг бевоқифа бошлиқлари эди. Аммо кейинчалик улар «қизил қомарлар» сафини тарк этиб, ҳукумат тарафига ўтди. Айни пайтда С.Бит Камбожа мудоффа вазирининг маслаҳатчиси лавозимида ишламоқда. Ч.Рин ҳам ҳукумат армиясида юксак мансаблардан бирини эгаллаган.

Нуон Паёт барча айбонларни ўзининг собиқ бошлиқлари бўйича қўйишга урингани ва уларнинг бошқа жиноятларини очиб ташлагач, судга гувоҳ сифатида ча-

қирилган бу шавхлар ҳам айбонувчилар сафинга қўшиб қўйилди. Улар устидан суд жараёни сал кейинроқ ўтказилиши кутилмоқда. Собиқ «полпотчи» ўзига қўйилган барча айбонларни рад этганига қарамай, суд уни уч сайёҳнинг ўлимида айбон, деб тоғди ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Таъкидланганидек, Нуон Паёт устидан ўтказилган суд «полпотчи»лар айбонлар кўрсатишга ўтирган биринчи воқеадир. Пол Пот ҳукмонлиқ қилган 1975-1979 йилларда Камбожада 2 миллиондан ортиқ киши очлик, мажбурий меҳнат ва оммавий қирғиндан ҳалок бўлган эди. Айни пайтда мамлакатда бу тузумнинг бошқа етакчилари устидан суд жараёни ўтказишга ҳозирлик қилинмоқда.

Сўнгги вақтларда Камбожада собиқ «полпотчи»ларни судга тортиш масаласига турли муносабатлар билдирилди. Жумладан, ҳукумат уларни жазолаш мамлакатда янгидан сиёсий беқарорликни юзага келтириши мумкинлигидан чўчиди. Бирок халқаро ҳамжамиятнинг хоҳиш-иродасига қарши бориш Камбожа олдидан янги муаммолар келтириб чиқаришидан хавфсиздан Пномпен расмийлари охири-оқибатда собиқ қўзғолончиларни жазолашни афзал билишди.

БМТ Камбожа ҳукуматидан мамлакатда амалга оширилган оммавий қирғин айбондорларини Халқаро трибуналга топширишни талаб қилапти. Бирок расмий Пномпен улар Камбожанинг ўзидан суд қилинишини маълум қилган.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Во ажаб!

СУВ ТИЛАНГАН ҚЎШНИЛАР

Жиззах шаҳар «Заргарлик» маҳалласидаги 10-уйининг биринчи қаватида яшовчи фуқаро тунги навбатда ишлаб, шу қадар чарчаган эдики, уйига келиб, ёстиққа бош қўйиши билан уйкуга кетди. Бирок, орадан ярим соат ҳам ўтмай, эшик тақиллашдан ўрнидан туришга мажбур бўлди. Иккита челақ тутган учинчи қаватдаги қўшниси жиддатдан қизариб-бузариб, деди:

— Кечирасиз, уйга меҳмонлар келиб қолишди, аксига олиб, бир томчи ҳам сувимиз йўқ экан. Қўшмага йўл берди. У ошхонага кириб, сув оларкан, хонадон соҳибининг кўнглидан «Биринчи қаватдан уй олганим яхши бўлган экан, акс ҳолда қўшмага ўхшаб мен ҳам сув излаб юрардим», деган ўй ўтди.

Бу орада қўшниси челақларини тўлдириб, раҳмат айтди-да, чиқиб кетди. Соҳиб унинг ортидан эшикни ёпиб, яна дама олишга ётди. Киприкларини илинар-илинмас, эшик яна тақиллади. Бу гал оstonада тўртинчи қаватда яшовчи қўшниси турарди.

— Уэр, ахакон! деди у. - Юқорига сув чиқмаслигини биласиз. Иссиқ сувни ичиб, амаллаб тургувчи эдик, бир ойлاردан бери уни ҳам бермай қўйишди. Шунинг

ВАТАН ҚОЛАДИ, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ, ХУР ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ!

Хоинлар, сотқинларнинг номлари лаънатларга кўмилгай!

16 феврал куни Ватанимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон Президенти ҳамда мамлакат конституциявий тузумига тажовуз қилиш, кўпоровчилик каби бағоят оғир жиноятлар содир этган 22 нафар ватан хоинига нисбатан олиб борилаётган очиқ судда 16 июнгача танаффус эълон қилинди.

Айни кунларда инсон қиёфасидаги ёвузлар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, ватанфурушларнинг маънавий қиёфаси, улар танлаган бағоят хавфли йўл халқимиз томонидан қаттиқ қораланмоқда. Нурунийларимиз халқимиз йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантараётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жиноят сари бошлаётган, миллат шаънига иснод келтирётган кимсаларни лаънатламоқдалар. Табиийки, ёшларимизни ваҳҳобийлик, «Ҳизбут-т-тахрир» каби ярамас оқимлар таъсирига берилмасликлари, барча ерда хушёрликни кучайтириш, муқаддас заминимизда ёвуз ва нопок кишилар бўлмаслиги учун нималар қилиш лозимлиги хусусида қимматли таклиф, мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.



Суратда: Шайхонтоҳур туманидаги «Янги комолон» маҳалласи фахрийлари Умар бобо Орипов, Ҳаким ота Жалолов ва Носир ота Эгамбердиевлар Ўзбекистон Республикасига қарши ўта оғир жиноятлар содир этганида айбланаётганлар устидан олиб борилаётган суд жараёни ҳақидаги мақолалар хусусида фикрлашишмоқда.

А.ШАРИПОВ олган сурат.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий ҳазратларининг зангори экран орқали «Ҳизбут-тахрир»дек манфур оқим тарафдорлари, ақидапарастлар тўғрисида чиқарган фатвоси юрагимдан чуқур жой олди: аҳли мўмин ақидапарастларни ўз сафларига қўшмасинлар, улардан тамоман юз ўгирсинлар. Чунки бундайлар биз учун, Ўзбекистон учун тамоман ёт кишилардир. Ахир ўзингиз ўйла-

УЛАРНИ МУСУЛМОН ДЕБ БЎЛАДИМИ!

Сафар КЕНЖАЕВ, тадбиркор, Термиз шаҳри

нг, Оллоҳнинг оятларини нотўғри талқин қилаётган, муқаддас динимизни бузаётганларни мусулмон деб бўладими? Тожикистоннинг Фарм туманида содир этилган фожеа қанчалик аянчли бўлмасин кўп нарсани ойдинлаштириб берди. Алданган, ўзга юртлардан «жаннат» қидирган ёш жангари йигитлар ўз хатоларини тушундилар, изтиробга тушдилар. Уларнинг баъзилари Президентимиз халқимиздан кечирим сўраш, шу ўхшаши йўқ юрт бағрига қайтиш учун қуроолларини улоқтириб, олдинга ташладилар. Аммо ёвузлар - ўзларини «ислом лашкарлари» дея аюҳаннос солаётганлар сирлари фож бўлиши, асл башаралари ошкор этилишидан чўчиб, хунрезлик қилдилар. Мен қовоқ каллаларида, қалбларида муқаддас туйғу, тушунчалардан асар бўлмаган, амал деб, молдунё деб она тупроғини булганган, миллатга хиёнат қилган ва адолатли тарзда халқ лаънатига учраганларга асло шафқат бўлмасин, дейман!

ЖОҲИЛЛАР УМРДОШИМДАН АЙИРДИЛАР!

Ринат УТЕЕВ, меҳнат фахрийси, Шайхонтоҳур тумани

Умрдошим Бибисора Сийёва жаннати аёл эди. Қалби эзгуликка тўла, одамларга яшилик қилишдан шодланадиган фазилати бор эди. Қайинисини уйлантириш, уни уйли-жойли қилиш орзусида яшарди. 16 феврал куни ишга кетаётганида ярамас террорчилар томонидан амалга оширилган кўпоровчиликнинг қурбони бўлди.

Олий суд биносидан 22 шахс устидан бўлаётган суд жараёни кузатар эканман, юртини, динини, миллатини сотганларга нафрат билан тикиламан. Айниқса, судланувчи К.Зокировни ёмон кўрдим. Ярамас босқинчи қанчадан-қанча оилаларга завол етказибди. Ким билсин, умрдошим у келтирган ўқ-дорилардан ҳалок бўлгандир? Нақадар тубан, маъна қашшоқ, бахтсиз бу кимсалар. Лаънат бундайларга!

Олий суд биносидан ўтириб яна бир нарсани ўйладим. Ярамаслар ўз жазосини

ЧЕКСИЗ СОДИҚЛИК!

16 феврал воқеалари биз учун бир умрга аччиқ сабоқ бўлди. Террорчиларнинг кўпоровчилик ҳаракатлари ва бунинг оқибатида бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлиши кўзимизни очди, гафлат уйқусидан уйғотди. Айни пайтда Мустақилликни бор имконимиз билан ҳимоя қилишимиз зарурлигини чуқурроқ тушуниб етдик. Ўша таҳликали кунларда Президент ва халқ яқдид эканлиги, Ўзбекистонликлар ўз Ватанига, Юртбошисига чексиз меҳр-муҳаббатли эканликлари ёрқин намён бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари номига йўлланган ва матбуотимизда эълон қилинган мактублар, шошилинчномалардан олинган кўйидagi сатрлар ҳам ана шу фикрнинг исботидир.

- Муҳтарам ва севимли Ислом Абдуғаниевич!
- Душманларингиз панд ёб қолди - уларнинг ёвузликларига ваҳимаю парокандалик билан эмас, балки Сизга, ҳамма учун яқин ва қадрдон инсонга умумхалқ муҳаббатининг мислсиз жўш уриши билан жавоб қилинди.
- Ўз халқининг осойишталиги, тинчлик-хотиржамлиги ва фаровонлигини ҳамма нарсадан афзал деб билган, шу йўлдаги курашнинг умрининг олий мақсади деб ҳисоблаган Президент атрофида жипслашамиз, у кишини миллий гуруҳимиз ва ифтихоримиз сифатида қадрлаймиз.
- Террор йўли - боши берк йўл. Азоб укубат йўли. Бу йўлдан борганлар, бориш иштиёқида бўлаётганлар бахтсизликдан бошқа ҳеч нарсага эришмайдилар. Тарих ва ҳаётнинг сон-саноксиз тажрибаларида бу тўла исботланган.
- Мутаассиб ақидапарастлар ва динимизга бегона оқимларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга сира ҳаққимиз йўқ. Биз бу йўлда доимо собитқадам туриб, динимиз софлигини, Ватанимиз осойишталигини сақлаш, юртимизда тинчликни барқарор этишдек муқаддас ишга доимо содиқмиз.
- Ёвузлик кучлари уйғоқ турибди, қувончи, туйғулар билан хотиржамликка берилмаслик керак: муқаддас ўзбек дёрида ёвуз ва нопок кучлар бўлмаслиги учун бутун халқ ўз севимли Президентини, ўз ҳукуматини, ўз Ватанининг ютуқларини тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишни билиши лозим.
- Фидойилик - озошликка эришган ҳар бир халқнинг энг биринчи хислати бўлиши керак. Аллоҳга банд, Пайғамбарга уммат, Давлатга фуқаролик бурчларимизни тўла-тўқис адо этайлик. Бизнинг қомилликка эришимиз ана шу юксак масъулятни теппа-тенг оқлаб боришимизга боғлиқ.
- Сиз бизнинг ўзимиз сайлаган Президентимизсиз, давлатимиз рамзисиз. Сизга садоқат, юртга садоқатдир! Бинобарин, Сизга садоқат озошликка - хурликка - одамийликка - адолатга садоқатдир! Сизга садоқат, аждодларнинг пок руҳи, уларнинг орзу ва мақсадларига, ўзликка садоқатдир!
- Биз бугун фикрсиз, онгсиз, оломон эмасмиз, бўлмаймиз ҳам. Иродамиз мустаҳкам, танлаган йўлимиз қатъий! Биз улуг ишларда Сизга қанот бўламиз. Энди бу қанотларни қирқадиган куч йўқ. Негаки, биз парвоз қилдик, дунё осмонига чиқдик.
- Ўз бошига, ўз жонига суиқасд уюштирилган бир пайтда ҳам ўз элини, ўз Республикасидаги ҳар бир вилоятни, айниқса болаларнинг келажагига қайғуриб, жон куйдирган Президентлар тарихда камдан-кам!

СОТҚИНЛАРДАН ХУДО АСРАСИН

Юсуф ТОВБАЕВ, «Пахта иши» жабрдийдаси, Зарбдор тумани

Ўзбекистон мустақиллигини, муҳтарам Президентимиз бошчилигида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларни кўролмаётганлар ҳам бор. Орамизда юриб, ғаламислик билан шуғулланаётганлар ҳам кам эмас. Аммо ҳаммадан ҳам Яратган бизни ўзимиздан чиққан сотқинлардан асрасин. «Фидокор» газетасидаги «Сиз-ку кўғирчоқсиз... кўғирчоқбоз ким?» сарлавҳали мақолаи ўқиб, шу фикр хаёлимда жойланди. Хўш, очинини айтганда, кўп мулоҳазаларга, эътирозларга сабаб бўлаётган Рафиқ Нишоннов ким? Аввало

гилмаслик ҳақида тақдир тушаяпти, деб халқини алдаган, иттифоқсиз бир кун ҳам яшай олмаймиз, дея мўътелик қилган, Москванинг малайига айланган кишини яна ким деб аташ мумкин? Ҳамма гап мустақиллигимизни, Ўзбекистонимиз муваффақиятларини кўролмадик. Демак, Нишонновни Россия мустақил телевидениесига олиб чиққанлар ҳам империяпара-

Тавба-тазарру ҚАЛБИМНИ ИЗТИРОБ КЕМИРАДИ

Неъмат АХУНОВ, Гулистон тумани

Мен ҳам адашганларнинг бириман. Энди ўйлаб қарасам, ақидапарастлар қўлида шунчаки ўйинчоқ эканман. Истаганда фойдаланиб, истаганда кераксиз матоҳдек ташлаб юборишлари мумкинлигини, афсуски, кечроқ, бошим деворга «так» этиб урилгандагина пайқадим. Уларнинг илондек аврашларига маҳлиё бўлибман-ку, онгим ва қалбимни захарлашаётганлигини, не ҳасратда эришилган истиқлол мевалари кейинчалик ўзимга ўхшаган манкуртлар ёрдамида тошбўрон қилинишини ўйламабман. Президентимизнинг тележурналистларга бер-

маётган бўлса-да, пушаймонлик, алам-афсус бутун вужудимни ўртамоқда. Беихтиёр кўрқиб кетаман: яхшиямки қўлим қон эмас. Аммо шундай бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Ё алҳазар, унда нима деган одам бўлардим, одамлар кўзига қандай боқардим?!

Гарчанд кўнглимга оғир ботадиган ҳеч гап айтишмасам-да, кўчага чиқиб кетаётганимда ҳам, қайганимда ҳам уйдагиларнинг ҳадик тўлаб кўзларига кўзим тушиб, уялиб кетаман. Мен уларнинг нигоҳидан шу сўзларни ўқигандек бўламан.

Ҳа, Юртбошимиз кечиримли, меҳрибон. Лекин, ҳар нарсанинг ҳам чеки-чегараси бўлади. Ишонччи суиистеъмол қилган киши, албатта бадном бўлади.

Биз буюк синовлар даврида яшаймиз. Йўл кўп. Лекин бу йўлларнинг бари ҳам ёруғ манзилларга олиб бормайди. Фикр кўп. Бироқ бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам эзгуликка хизмат қилмайди. Бинобарин хушёр бўлмасак, ақл-фаросат билан иш юритмасак, ганимлар бов қўтариши мумкинлигини 16 феврал воқеалари тасдиқлади. Ахир саждага қўйилган бошлар орасида бундай номаъқулчиликларга қўл уришдан тап тортмайдиган, қаерлардадир тузилган ман-

ОИЛА ХАМ, МАҲАЛЛА ХАМ МАСЪУЛ

Наманганда вилоят фаолларининг партиалари раҳбарлари, фаоллари, фуқаролар, киши-лоқ, маҳалла йиғинлари вақиллари, дин арбоблари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Шу йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган воқеаларнинг сабаблари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тақдимномаси, бу воқеалар тақдорларининг олдини олиш учун қўрилган зарур чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

«ҲИЗБУТ-Т-ТАҲРИР» - КАСОФАТ

РАҲИМ ХОЖИ, Тошкент шаҳри

фур ниятлар йўлида қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабабчи бўлган разил кимсалар борлигини ким ўйлабди дейсиз. Надоматлар бўлсинки, улар ҳануз тиш қайраб, пайт пойлаб қўйибди. Бир зумга бўлсин сергаклигимиз сусайси, яна «хунар» кўрсатишлари аниқ. Ҳаёт ҳар он, ҳар дақиқа иймон-этиқодимизни синовдан ўтказмоқда. Истиқболга эришиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган она заминимизда ҳаракат қилаётган ёвуз кучлар фаолияти кўпоровчилик ва бузғунчиликдан иборат бўлганлиги учун ҳам ғоят хавфлидир. Мен бу ўринда ислом дини никоби остида яширин иш олиб бораётган ваҳобийлик оқими ва «Ҳизбут-т-тахрир» (озодлик партияси)ни назарда тутмоқдаман. Улар ўз

Диний экстремист гуруҳларнинг жиний ҳаракатлари натижасида 16 февралда юз берган фожиали воқеалар уларнинг ҳақиқий башарасини яна бир бор кўрсатди, дейилди йиғилишда. Содир бўлган воқеа жиний гуруҳларнинг бошлиқлари ва малайлари ҳокимиятни эгаллашга қаратилган гаразли режалари ва мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмасликларни далилдир. Шу сабабли бундан бўён диний экстремизм ва мутаассибликнинг ҳар қандай кўринишларига хотима бериш учун фақат маҳаллий ҳокимият органлари, маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, партиаларнинггина эмас, кенг жамоатчиликнинг ҳам жамоатчиликларини бирлаштириш, уларнинг фаолиятини янада кучайтириш зарур.

Бунга эришиш учун, дейишди йиғилиш иштирокчилари ўз нутқларида, партиалар, жамоат ташкилотлари ишини, биринчи навбатда ёшлар, ёш авлод тарбияси учун масъул ташкилотлар ишини қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда оиланинг аҳамияти жуда катта, чунки ҳар бир киши дастлабки ахлоқ сабақларини оилада олади, ўз фуқаролик маъқеини шакллантиради, бу эса унинг шахс сифатида камол топишига кўп жиҳатдан таъсир қилади.

Саҳифани тайёрловчи: Мирғибс ҚАЮМОВ.

Хаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш кийин. Севимли нашрларимизни мутаола қилар эканмиз, мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ўн йилликларга татиғулик ютуқлар, туб ўзгаришлар илға қилгандек бир-бир кўз ўнгимиздан ўта бошлайди. Ва беихтиёр кўлимизда тугиб турганимиз хаёт кўзгусига боқиб ўзимизни кўргандек, ўзлимизни танигандек бўламиз.

Айни кунларда барча нашрларга жорий йилнинг иккинчи ярми учун обуна қилиш кизгин паллада қирди. Шу муносабат билан муҳбиримиз «Матбуот тарқатиш маркази» акциядорлик жамияти Бош директори Абдусаттор Ортиков билан учрашиб, муштарийларни қизиқтирган айрим саволларга жавоб олди. Куйида ушбу суҳбатни этиборингизга хавола этмоқдамиз.

- Сир эмаски, кўпчилик куз фаслидагина обуна ҳақида жиддий ўйлайди. Бошқа пайтларда бу ҳақда бош қотирувчи кишилар жуда озчиликни ташкил этади. Сизнингча, бунга сабаб нима: тарғибот ишларининг бўшлиғими ёки?..

Келинг, очиқчасига гаплашайлик. Обуна, бу аслида матбуот ва муштарий ўртасидаги энг қулай ва энг ишончли кўриқдир. Лекин бунинг учун олдиндан ҳақини тўлаб қўйиш лозим бўлади. Ҳамма ва барча ташкилотлар ҳам бунга қодир эмас. Натijaда аксарият ҳолларда муроса йўлидан борилади. Хозирча уч ойга ёки ярим йилга ёзилиб туради, дейилади-ю, бу фурсат ўтгач эса шу кунгача қорига яраб турган кўприги фаромуш этилади.

Шу боис мен ушбуни эслатиб қўйишга ўзимни бурчли деб ҳисоблайман. Муҳтарам Президентимиз Исом Каримов матбуотга, унинг маънавият ва маърифат-

даги ўрнига алоҳида этибор бераётганлари беҳиз эмас. Қолаверса, таҳлиллар қаергаки газета-журналлар кириб борса, уша жойда муҳит ҳам, ишлаб чиқариш ҳам кўнгилдагидек бўлишини тасдиқламоқда. Бошқача қилиб айтганда, матбуот воситаларига сарфланган бир сўм ўн баробар ва ундан зиёд фойда бўлиб қайтаётир.

Яна бир ҳафтадан кейин жорий йилнинг иккинчи ярмига обуна қилиш ниҳояси етади. Яъни, 18 июн-гача обунасини расмийлаштиришга улгурмаганлар ярим йилга эмас, беш ойга обуна бўлишга мажбур бўладилар. Шунинг учун у ёки бу нашрга обуна бўлиш истагида бўлган жисмоний шахсларни, ташкилот ва муассасалар мутасаддиларини оғохланган кўйимқимман: Шошлининг, бир кун кечиксангиз, бир ой ютказасиз!

- Газета қанчалик сифатли, қизиқарли бўлмасин, у ўз вақтида эгалари қўлига бориб тегмаска, қадрини йўқотади. Лекин, афсуски, ҳамма жойда почта хизмати на-

Обуна-узлуксиз жараён

мунали йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

- Эътирозингиз ўринли. Агар янгилишмасам «Ишонч» газетасининг шу йил 6 май сониде «Муштарийлар газетани нега кечикиб олишмоқда?» сарлавхали мақола босилган эди. Кези келганда, шунга жавоб ҳам қилиб кетсам. Мақолада келтирилган камчиликлар, хусусан, Жиззах шаҳридан анча олиб булган туманларга газеталар кеч этиб бораётганлиги борган. Шу боис муаммони бартараф этиш, газеталар-

тақалардаги мижозларимиз ҳам ҳадемай ҳис қилдилар.

- Кўпчилик нашрлар нархининг қимматлиги, таассуфки, бу жараён ҳамон давом этаётганлиги сабабларини билишни истади. Шу ҳақда ҳам тушунча берсангиз.

- Обуна нархи, бу нашрнинг бунёд бўлиши ва чоп этишдан тортиб то обуна қўлига етказиб бериш жараёнида иштирок этувчи корхоналар томонидан қўйилган нархлар йиғинди-

сатадики, обуна нархида тахририят нархи ўртача 42 фоизни, экспедиция қилиш 2 фоизни, вилоятларга етказиб бериш 12 фоизни, вилоятда обуначиларга етказиб бериш 43 фоизни, воситачилик нархи 1 фоизни ташкил қилади.

Шу ерда мен бир «сир»ни очаман. Айни кунларда иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлаётганлар нега унинг нархи биринчи ярим йиллик нархга қараганда кўпроқ эканлиги ҳақида ажабланиб сўрашаётир. Жавоби эса оддий, утган давр мобайнида газета чиқариш билан

ЮРАККА ЭНГ ЯҚИН ЙЎЛ

Бир кун кечиксангиз, бир ой ютказасиз

нинг эрта этиб боришини таъминлаш учун Тошкент-Жиззах йўналишида бир нечта янги почта алмашув пунктлари очиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Лекин шуниси ҳам борки, мазкур пунктларни ташкил қилиш фақат «Ўзбекистон почтаси» компанияси эмас, балки «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан поездаларнинг тўхташ жадвалларига ҳамда республика нашрлари чоп этиладиган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан газеталарни экспедиция қилиш тартибига тегишли ўзгаришлар киритишни ҳам талаб қилади.

Ушбу ташкилотлар билан биргаликда бу масалаларни ҳал қилиш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда, ўйлайманки, буни нафақат Жиззах вилоятидаги, балки бошқа мин-

сидан иборат. Масалан, «Шарқ» нашриёт - матбаа концернида чоп этиладиган битта газетани олайлик. Биринчи нарх босмахона ҳаражатларини ҳам ҳисобга олиб тахририят томонидан белгиланган нарх; иккинчиси, ушбу концерннинг экспедиция қилиш (газеталарни бошлаш, саралаш, қопларга жойлаш) нархи; учинчиси, «Халқроқчмат» акциядорлик жамиятининг вилоятларга етказиб бериш нархи; тўртинчиси, вилоят почта корхоналарининг обунани манзилига етказиб бериш нархи ва бешинчи нарх тарқатувчи корхонанинг воситачилик учун қўйган нархи.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу нархлар шу ташкилотларнинг ўзлари томонидан мустақил равишда сарф-харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Таҳлил шунга кўр-

боғлиқ кўп нарсалар қимматлашиб кетди. Айниқса, қўғоз. Табиийки, ҳеч бир тахририят бозор шароитида зарарга ишламайди. Бирок шунга ҳам айтиб қўйишим керакки, бир йилга обуна бўлиб қўйган муштарийлар (корхоналар, ташкилотлар, хўжалиқлар, муассасалар...) нарх-наво оғирлигини жабр чекмайдилар. Уларнинг йил охиригача газета-журналлар билан таъминланиши кафолатланган.

-Ўз-ўзиндан савол туғилади: нархлар ошган бир шароитда қандай қилиб обуначиларга энгиллик туғдириш мумкин?

Тахририятдан:
Азиз муштарий! Сиз ўз нашрингиз - «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлишни унутмадингизми? Унда ошиқинг: агар 18 июн-гача обунангизни расмийлаштиришга улгурсангиз, йил охиригача - биз билан ҳамроҳ бўласиз.

Шу ўринда бу йил алоқа бўлимига обуна қилиш тахрираси бутун республикага жорий қилингани эслатиб ўтишни истардим. Бу тахрирасида илғари Тошкент шаҳрида ўзини оқлаганлиги инобатга олинди. Ҳисоб-китоблар алоқа бўлимига обуна қилинганда нархлар ўртача 30 фоизга арзон бўлишини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, биз муштарийларга жамоа бўлиб обуна бўлишни тавсия этишимиз мумкин. Яқин кўни-кўнилар, қариндош-уруғлар, дўстлар бир бўлиб обуна бўлини, анча энгил тушади. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар ўз ишчи-хизматчиларини рағбатлантириш мақсадида у ёки бу нашрга корхона ҳисобидан обуна бўлишни йўлга қўйсалар, ўйлайманки, бу ҳол уларда узоқ вақт ўз жамоаларига нисбатан миннатдорчилик ва фахр ҳиссини уйғотиб туради.

Бир сўз билан айтганда, иқтисод билан маънавият ёнма-ён қадам ташласинга ихтиёр ўзгаришлар бўлиши, ривожланиш учун, буюк келажақ учун замин яратилишини ҳар дақиқа ёдда тутмоғимиз лозим. Модомки, матбуот-маънавият кўзгуси экан, уни авайлаб-асраш, унинг турматини жойига қўйиш ҳам зарур.

Суҳбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ.

**Биздан сўрабсиз
ҲУҚУҚИЙ
МАСПАХАТХОНА**

Саволларингизга Адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси ФХДБ бўлими етакчи маслаҳатчиси Раъно ҲАҚБЕРДИЕВА жавоб беради.

САВОЛ: Мен турмушга чиқмаганман ва туғилган акамнинг 1997 йил 28 январда туғилган ўғлини васийликка олиб 1998 йил 26 ноябрдан ўз номимга расмийлаштирганман. Оилада онам, мен ва ўғлим яшаймиз. Менга давлат томонидан бирон-бир ёрдам назарда тутилганми?

ЖАВОБ: Оила кодексининг 165-моддасига кўра фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулк ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар таъинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низом»га кўра нафақа олишга муҳтож бўлган болани оилаларга таъинланади.

Сиз болангиз учун нафақа таъинланишини сўраб яшаш жойингиздаги қишлоқ фуқаролар йиғинига ариза билан мурожаат қилишингиз керак. Улар томонидан бир болани оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде нафақа таъинланиб, ҳар ойда тўлаб турилади.

Шу билан бирга фарзандликка олиш ва васийлик бир-бирдан фарқ қилувчи тушунча эканлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Васийликка (ҳомийликка) олинган болаларга ҳам юқоридаги Низомга кўра нафақа таъинланиши кўзда тутилган.

САВОЛ: Мен 1997 йил турмушга чиққанман. Хозир бир нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Давидов Рамин ҳеч жойда ишламайди, 1994 йилда 3 нафар фарзанд билан аввалги хотини Давидова Гўлсум билан ажрашган. Эри билан ажрашганидан бун Гўлсум Самарқандга қайтди. Биз эрим билан турмуш қурғач, кичик ўғли учун алимент талаб қилди. Мен эримнинг алимент тўлашига қарши эмасман, лекин алимент пули ой сайин ошиб бораёпти. Бунинг устига эрим ҳеч жойда ишламаслиги сабабли бу алимент пулини мен ўз фарзандимга бериладиган нафақа пулидан тўлаяпман. Шу тўғрими? Алимент тўлаш тартиблари ҳақида маълумот берсангиз?

З.Тошмуродова, Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри.

ЖАВОБ: Оила кодексининг 99-моддасига кўра бир бола учун ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг тўртдан бир қисми, иккита болага ундан бир қисми, учта ва ундан кўп бола учун ярми миқдориде суднинг қарорига кўра ундирилади.

Ҳар бир бола учун ундирилган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг ундан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Оила кодексининг 105-моддасига кўра алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда уша болалар алимент пули олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан кам таъминланган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота(она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Сиз фарзандингизга оладиган нафақангизни унинг ўзинга сарфлашингиз лозим.

Оилаларни қўллаб-қувватлашга бағишланган, Сизнинг оилангизга ҳам ёрдам берадиган янгиликни эътиборингизга хавола қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13 январ 1999 йилги Фармонига кўра шу йилнинг 1 мартидан бошлаб ишламайдиган аёлларга то уларнинг боласи 2 ёшга киргунга қадар нафақа таъинлаш ва тўлаш кўзда тутилган. (Фармон матни рўзномаларда эълон қилинган).

Номинал қиймати 200 сўм бўлган ҳар бир акция учун ойлик маошдан пул чегириб қўлинган. Аммо ҳиссадорлик жамиятида бирорта акциядорнинг ҳиссаси йўқ.

Фабрика ўз тасарруфида бўлган маданий-маиший, савдо ва бошқа муассасалар билан ҳам асосий равишда шартнома тузмага. Шу кунга қадар мактаб ва боғчадан келгуси тақдир қандай бўлиши билан ҳеч ким қизикмаган. Қўрғончада жойлашган 16-дўкон иши ҳам муаммога айланган. Чунки Юқори Чирчиқ туман матбуот-савдо очик турдаги ҳиссадорлик жамияти билан фабрика ўртасида ҳеч қандай расмий ҳужжат имзоланмаган. На ижара, на электр қонун фойдаланиш учун тўланадиган тўловлар ҳам ҳеч кимнинг ҳавлига келмаган. Қизғи шундаки, етти ойдан бунён раис муовини бўлиб ишлаётган А.Давлатов ўзини, бошқа мутасаддиларни «янги одам» деб масъулият юкидан осонгина кутқариб қўя қолди.

Худди ана шу баҳона иллатлар оқибатида кўплаб одамлар ишсиз, боғчалар, мактаблар но-чор аҳволга тушиб қолгани, бу ҳол шу ерлик аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир

Темир ҚУРБОН,
Кобилжон ШОҚИРБОН,
«Ишонч»нинг махсус муҳбирлари.

**ХОМИЙЛАР
ТАШАББУСИ**

Хушҳаво Зомин, Бахмал, ва Нурота тизма тоғларининг бугунги кўрми-таровати, ҳусни-малоҳати таърифига тил ҳам, қалам ҳам охира. Ана шу тенгсиз гўзалликка болалар назари билан қарасангиз, янада беқийс сехрли туйғулар дилингни чулғаб олади. Бепоян она юртимиз шарафига айтилган ҳар қандай таъриф-таъсиф шунчаки, ҳамир учидан патир эканини туйсиз. Жиззах вилояти болаларининг 20 дан зиёд оромгоҳлари худди ана шундай гўзаллик бағрида жойлашганининг сабаби ҳам ана шунда.

Вилоят ҳокимлиги ва қасаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамжўрлиги билан бу йил болалар оромгоҳларини тайёрлаш олдинги йиллардагига нисбатан бирмунча барвақт бажарилибгина қолмай, уларда болаларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Биринчи галда ошхоналар, спорт майдончалари ва дам олиш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Чўмилиш ва сузиш ҳовузулари таъмирланди. Ҳар бир оромгоҳда қатъий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларда болаларнинг табиат қўйнига савҳатлари, спорт мусобакалари, шифобахш гўёлар йиғилиш, ноёб ўсимликлардан гербарийлар тайёрлаш каби фойдали машғулотлар режалаштирилди.

Болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун жиддий ҳозирлик қилинди. Ҳомийлар оромгоҳларга санъаткорларни тақлиф этиб, кўчма кинодан баҳраманд этишни режалаштириб қўйилди. Шунингдек, оёрули меҳнат илгорлари билан учрашувлар, ҳуқуқ-тартибот мавзусида қизиқарли топқурилиш баҳслари болаларга олам-олам қувонч бахш этиши таъмин.

Болалар ёзи дам олиш мавсумини ташкил этишдаги бу йилги бир янгилик шукки, икки минг нафардан зиёд бола ҳомий ташкилотлар ва тadbиркорлар маблағлари ҳисобидан мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам оладилар. Вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари эса ўз тасарруфларидаги «Матлуботчи» дам олиш масканда 20 нафар боланинг ўз ота ёки оналари билан бирга дам олишларини ташкил этмоқда. Ўйлаймизки, бу ташаббус мақбул топилиб, келажакда бундай дам олиш кенг йўлга қўйилади.


Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши тақлифи билан кўп болани оилалар фарзандлари, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар, «Меҳрибонлик уйлари», махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун оромгоҳларга йўлланmalar текин қилинди. Қўриб турибдики, фарзандларимиз таътили татиғулик ўтади.

Собиржон МАМАТАЗИЗОВ,
қасаба уюшмалари
Жиззах вилояти
кенгаши бўлим мудир.

Муборак туман ички ишлар бўлими вакиллари дон ўримда исрофгарчиликнинг олдини олиш ва ташмачиликка қарши курашиш бўйича жойларда, тушунтириш ишлари олиб боришапти.

Суратда: милиция кичик лейтенанти Зокир Тўраев, Муборак газни қайта ишлаш заводига қарашли 2-автокорхона диспетчери Болта Беккиев, ҳайдовчи Эркин Шомуродовлар билан ишни намунали ташкил этиш юзасидан фикрлашмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ,
олган сурат.



ЮЗ КИШИЛИК ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига дизел ёнилгисини тозалаш цехи қуриб битказилди. Япониянинг «Тойо инженеринг» корпорацияси лойиҳаси асосида Туркиянинг «Текфин» компанияси қурувчилари бунёд этган бу корхона йил давомида 1 миллион 700 минг тонна дизел ёнилгисини қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда ҳозир Япония, Голландия, Германия, Франция, Италия, Корея ва АҚШда тайёрланган замонавий жиҳозлар ўрнатиб бўлинди. Ишлаб чиқариш жараёни Американинг «Хонувелл» масофадан бошқариш ускуналари ёрдамида амалга оширилади.

Янги корхона дизел ва газ ёнилгисини сифатини яхшилаш билан бирга атроф-муҳит мусофоллигини сақлаш имконини ҳам беради, - дейди цех бошлиғи Б.Низомов. - Қайта ишлаш жараёнида дизел ва газ ёнилгиларидан чиқадиган сероводород тарихидан ажратиб олинандиган олтингургут маҳсус қурилмалар ёрдамида кадоқланиб истеъмолчиларга етказиб берилади.

Қарийб юз нафар киши меҳнат қиладиган янги цех мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида дастлабки маҳсулотини беради.

«Ишонч» бонг уради

пайхон бўлди. Не ҳасратда олиб келинган ичимлик сувви уч йилдирки, «Наврўз»га келмай қўйди. Фабриканинг туман энергетикларидан қарзи қўйиб, посёлкада чиқорлар ёнмай қолди.

Хўш, нега бундай ҳол юз берди? Бу саволларга жавоб излаб Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги, давлат солиқ инспекцияси, матбуот жамияти, хусусийлаштириш идораси ходимлари

йўқлиги эътироф этилган. Аммо, бизни фабриканинг ҳозирги аҳолигина эмас, балки унда ишлаган одамларнинг бугунги турмуши, уларнинг ижтимоий муҳофазаланиши қай аҳволда эканлиги қизиқтирарди? Фабриканинг кейинги директори Х.Усмоновнинг фикрича, аниқ режа асосида фаолият қўрсатилмагани учун ҳам унинг келажаги йўққа чиққан.

Бизнинг назаримизда эса фабрика ҳам, унинг тасарруфида бўлган маданий-маиший объектларни ҳам шу кўйга туширган хўжасизлик; талон-тароқликдан бошқа нарса эмас. Фабрикага тегишли бўлган биргина техника масаласини олиб қўрайлик. «Тошкентройлер» иш бошлаганида мавжуд бўлган 78 та тех-

ника воситасидан бугунги кунга келиб яроқсиз ҳолдаги 19 тасигина қолган, холос. Хўш, қолгани-чи? Улар на фабрика ҳисобиде ва на бошқа манбаларда қайд қилинган. Х.Усмонов раисликка сайланган мақлиси баёнга эътибор қилинг. 1998 йил 27 октябрда ўтказилган мазкур йиғилиш баённомасида қўрсатилишича, «Тошкентройлер» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлиб, акциядорлар йиғилишида Х.Усмонов раисликка сайланган. Унинг айтишича, биронта ҳам ак-

ция сотилмаган. Номинал қиймати 200 сўм бўлган ҳар бир акция учун ойлик маошдан пул чегириб қўлинган. Аммо ҳиссадорлик жамиятида бирорта акциядорнинг ҳиссаси йўқ.

Бизнинг назаримизда эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Жумладан, туман деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси А.Бойназарова ҳам саволларимизга сукут сақлаш билан жавоб қайтарган бўлди. Ишловчиларнинг ишсиз қолиши, ижтимоий муҳофазанинг, турмуш шароитининг қоникарсиз аҳволда эканлигини таъкидлаганимиздан кейин ҳам унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У фабриканинг туман марказидан бир неча чакирим узоқлиги, қатнашнинг ноқулайлиги, биринки борганида фабрика раҳбариятини учрата олмаганлигини ваз-қарсон қилди. Альбина опанинг бу эътирфини туман ҳокимлигининг бошқа ходимлари ҳам бир неча бор тасдиқлади. Ҳолбуки, салкам беш йил бурун ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатган фабрика тақдирини аллақачон ҳал қилиниши лозим эмасмиди. Назаримизда, сансалорлик, лоқайдлик, хўжасизлик, уқувсизлик инқирозга ўз тутишининг асосий сабабидир.

**ҚУРУҚ САВЛАТ
КОРХОНА**

«Ўзларрандасаноат» уюшмаси раҳбарлари билан суҳбатлашдик. «Тошкентройлер» фабрикасида бўлиб ҳам қалаванинг учини топа олмадик. Чунки қайси раҳбарга учрашмоқчи бўлган эдик, улар бир гални қайтаришарди. «Мен янги одамман. Фабрика юқоридан банкрот деб эълон қилинган...»

«Тошкентройлер»га 9 йил директорлик қилган А.Содиқов, «Ўзларрандасаноат» уюшмасининг янги раиси У.Қобулов, биринчи ўринбосари Ж.Исоқов ва бошқа кўплаб мутахассислар ҳам бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Аммо уларнинг ҳеч бири жавобидан қўнғил тўлиб, қаноат ҳосил қилмадик. Чунки, бу гаплар ҳужжатларга асосланмаган фикрлар эди. Ҳужжатлар эса... Афсуски, улар билан танишиш бизга насиб этмади. Кимдир улар ўғирлаб кетилган деса, ана кимдир ёниб кетган, деб ваз қўрсатди.

«Ўзларрандасаноат» уюшмаси раҳбарлари билан суҳбатлашдик. «Тошкентройлер» фабрикасида бўлиб ҳам қалаванинг учини топа олмадик. Чунки қайси раҳбарга учрашмоқчи бўлган эдик, улар бир гални қайтаришарди. «Мен янги одамман. Фабрика юқоридан банкрот деб эълон қилинган...»

«Ўзларрандасаноат» уюшмаси раҳбарлари билан суҳбатлашдик. «Тошкентройлер» фабрикасида бўлиб ҳам қалаванинг учини топа олмадик. Чунки қайси раҳбарга учрашмоқчи бўлган эдик, улар бир гални қайтаришарди. «Мен янги одамман. Фабрика юқоридан банкрот деб эълон қилинган...»

«Ўзларрандасаноат» уюшмаси раҳбарлари билан суҳбатлашдик. «Тошкентройлер» фабрикасида бўлиб ҳам қалаванинг учини топа олмадик. Чунки қайси раҳбарга учрашмоқчи бўлган эдик, улар бир гални қайтаришарди. «Мен янги одамман. Фабрика юқоридан банкрот деб эълон қилинган...»

Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мутахассислар, мураббийлар, спортчилар, ишқибозларнинг чексиз қувонч ва кизиқишларига сабаб бўлган ушбу қарор моҳиятида аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, келяжак авлодни баркамол, соғлом қилиб тарбиялаш масалалари ётибди. Халқаро педагог академик, Амре-стлинг Федерацияси Президенти, халқаро тоифадаги ҳакам, Тошкент давлат жисмоний тарбия институти илмий ишлар бўйича проректори, кураш кафедраси мудири, Фикрат Керимов билан бўлиб ўтган суҳбатимизда энг биринчи саволимиз ҳам шу мазмунда бўлди.

Мустақиллик бизга жуда кўп нарса берди. У туфайли жисмоний тарбия ва спортнинг эркин ривожланишига йўл очилди. Яқин ўтмишга назар ташласак, 1992 йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 18 мартда «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилинди. Яқин ўтмишга назар ташласак, 1992 йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 18 мартда «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилинди. Яқин ўтмишга назар ташласак, 1992 йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 18 мартда «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилинди.

Истиқлол берган имкон

ликнинг берган неъматини, инъоми.

Фикрат Азизович, спортда босиб ўтган йўлингизга назар ташласангиз. Қайси ниятларингиз амалга ошди? Қай бирлари эса...

бир неча давлатларида спортчилар билан илмий шуғулланиш йўлга қўйилган. Ҳозирча кураш, волейбол, футбол каби турларнинг дастурлари устида ишляпмиз. Компьютерда ҳисоблаш усули би-

лар ижобий баҳолашди. Тўғри, уларда ҳам бундай илмий изланишлар қилинган ва давом эттирилмоқда. Лекин улар ишлаб чиққан дастурлари курашнинг саккизта усули бўйича баҳолайди. Бизда эса у 44 тани ташкил этади. Яқин-

ФИКРАТ КЕРИМОВ: «СПОРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИГА ИШОНАМАН»

- Биласизми, спортда анча ижобий натижаларга эришдик. Эркин кураш бўйича собиқ иттифок, икки марта 1977 ва 1978 йилларда Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритдик. Бир неча мусобақаларнинг голиб ва совриндори бўлдик. Бир қанча илмий ишлар қилдик. Яқинда «Кураш тушаман» номли китобим чоп этилди. Лекин булар менинг учун етарли эмас. Сизга бир янгиланишни айтмай: биз спортда компьютер технологиясини қўллаяпмиз. Жаҳоннинг ривожланган

лан курашчининг имкониятларини баҳолаймиз. Дейлик, курашчи кураш тушиши асносида чап таъриф билан ёмон ишлади, ёки бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Биз унинг ҳар бир ҳаракатини компьютерга тушираемиз. Махсус формула унинг кураш тушиши вақтидаги фаоллигини бизга баён қилади. Шунга қараб курашчининг келгуси машғулотларда қандай машқлар бажариши кераклиги тўғрисида кўрсатмалар беради. Бизнинг бу ҳаракатларимизни германиялик мутахассис-

да бўлиб ўтган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган XIII Осиё чемпионатида бу усулни татбиқ этдик ва ўйлайманки, бу янгиланиш бизга ҳали асқотади. Компьютер асосида кунлик машғулотлар меъёрини белгилаш (бу албатта спортнинг кундалик имкониятига қараб) устида ҳам жиддий бош қотиришимиз лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Керак бўлса бугун неча калория кучга тенг таом истеъмол қилиш мумкинлиги юзасидан кўрсатмалар беришни



Йўлга қўймоқ лозим. Малялаки мураббийлар етиштириш бизнинг энг долзарб вазифамиз бўлиб турибди.

- Шогирдларингиз, уларнинг эришаётган ютуқлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- Тўғриси, шогирдларимдан жуда хурсандман. Улар бугун устоздан ўзишмоқда. Элда бир гап бор: устоздан ўзмаган, шогирд шогирд эмас, деган. Сирдарёлик шогирдимиз Умиджон Аҳмедов ногиронлар ўртасида ўтказилган Амрестлинг бўйича мусобақада жаҳон чемпионлигига эришди. Кураш бўйича ўтказилган XIII Осиё чемпионатида 3-курс толиби Руслан Хинчагов олтин медални, Рамил Исламов кумуш, Аҳам Очиллов бронза медални кўлга киритишиб, ишончимизни оқлади. Бизда бир камчилик бор, у ҳам бўлса спортчиларимиз юқори натижаларга эришганларидан сўнг уларни ўз холига ташлаб қўямиз. Ваҳоланки, улар бундан ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин. Бугун биз айнан шу нарсалар устида бош қотираемиз. Бунинг учун кўплаш ҳаракат қилсак спортимиз янада ривожланади. Мен бунга аминман.

Суҳбатдош: ШАХРИЁР.

Ўқинг, бу қизиқ ПОМИДОР ТЕРАДИГАН КОМБАЙН

Венгриянинг «Мезечеп» заводи помидор терадиган комбайнини яратди. У фақат помидорни терибгина қолмай, балки шикастламай, маҳсулотни сифатли саралаб ҳам беради. Бу комбайн кўплаб ишчи кучларини тежаш билан бирга соатига камидан 20 тонна помидорни териб, саралаш қувватига эга.

38 ГРАММЛИ РАДИОПРИЁМНИК

Япониянинг «Сони корпорейшн» компанияси жаҳонда радиоэлектрониканинг отаси ҳисобланади. «Сони»нинг асосий шiori: «Янгиллик - олий сифат - арзон нарх - чиройли кўриниш» барчага маъқул маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иборат. Шунинг учун унинг кейинги йилларда яратилган янги маҳсулотлари кишиларни лол қолдирмоқда. «Сони» УКВ тўлқинида ишлайдиган вазни 38 грамм, қалинлиги 4 мм, ҳамда кўл соати ичига бемалол ўрнатса бўладиган радиоприёмникларини ишлаб чиқармоқда. «Сони» компанияси Голландиянинг «Филипс» фирмаси билан ҳамкорликда компакт - дисклар лицензиясини сотишни йўлга қўйиб, диаметри 11,9 сантиметр бўлган, 275 минг бет текстини хотирада сақлайдиган митти дисклар ишлаб чиқармоқда.

Илхом ШЕРМУҲАММЕДОВ тайёрлади.

А.АЛИЕВ.

Республика танлови голиблари

Алишер Нарзуллаевни Гиждувонда танимайдиган киши йўқ. Сирли бармоқлари сеҳрини кўз-кўз қилаётган бу инсон қўлида сайқал топаётган сопол идишлар довруги фақат Бухоро аҳлининггина эмас, ҳаттоки хорижлик меҳмонларни ҳам лол қолдирмоқда. Гиждувон кулолсозлик мактабининг кейинги авлодларидан бири раҳнаомлигида фаолият кўрсатаётган оилавий хунармандлар сулоласи яқинда яқунланган Республика «Ташаббус-98» кўрик-танловининг голиби бўлишди.

Гиждувон-қадимий юрт. У буюк алломалар, азиз-у муътабар зотлар маскани. Мустақиллик шарофати ила бу кўҳна замин яна ўзининг бўйбаста, кўрки-таровати садокатли кишилари меҳнати орқали тилга тушиб бораётди.

Эндиликда унинг доврuginи дунёга таратиш туйғуси ила меҳнат қилаётган асл ўғлонлар қўлида сайқал топган ноёб, муъжизакор сопол идишлар санъат асарлари даражасига кўтарилаётди. Улар ўзининг бетакорлиги билан ажралиб турибди. Шўролар замонасида бир неча корхона, цехлар, сопол идишлар пиширадиган махсус тандирхоналар бузиб ташланганди. Шу тариха миллий хунармандчилик янги авлодларининг етишиб чиқишига тўсиқ қўйишга ҳаракат қилинди. Чунки ўтмиш меъросидан ажраган халқни муте ҳолда сақлаш осон кечиши учун шундай қилинганини энди-энди англаб етмоқдамиз.

Мустақиллик шарофати туфайли отамерос удумларимиз, анъаналарга қайта жон ато қилинди. Гиждувон зами-

ГИЖДУВОН КУЛОЛЛАРИ

нида яна хунармандчилик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мис ўймакорлиги, кандакорлик, гилмадўзлик, каштачилик кенг ривож топа бошлади.

КИРК ТУРДАГИ СОПОЛ ИДИШ

Ибодулла ака ўлим тўшагида ётган бўлсада, чор-атрофида йиғилган ўғил-қизларини мумкин қадар тинчлантиришга ҳаракат қиларди.

— Ўғлим, Алишер, сен бошқа касбнинг этагини тутиб, яхшигина обрў топаётган бўлсанг-да, менинг хунаримни хор қилма. Етти пуштимиз шу касб билан машғул бўлган...

Орадан маълум муддат ўтди. Алишер укаси Абдуллажон ва сингиллари кўмагида ота касби-кулолчиликни давом эттиришга киришди. Самарқанд меъморчилик олий билимгоҳида олган билимлари ва отасининг панду-насихатларига амал қилиб, сопол шохқосалар, товоқлар, косалар, пиёлалар,

нимқосалар ясашга тушди. Ҳадемай сопол идишлар 40 турдан ошиб кетди. Дастлабки босқичда жой танқислиги, маблағ етишмаслиги сезилган бўлса-да, волидаси Мубашира аянинг берган маслаҳат-таъсиялари ишининг ривож топишига йўл оч-

лаевларнинг музей-устахонасида бўлдик. Шу кунги Алишержоннинг вилоят марказидаги санъат лицейида таҳсил кўраётган ўғли Обиджон болалар ва ўсмирлар кўрик-танловида фаол иштирок этиб фахрли диплом билан уйга қайтган, кулолчилар АҚШ дан буюртма олиб, ижодий изланаётган эканлар. Ҳаммадан ҳам корхона музейида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор, америкалик Биринчи хоним Клара Клинтон, Япония элчиси Коучи Обата жаноблари, Франция элчиси Жан Клод Рижар жаноблари, инглиз элчиси Барбара хоним, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Бари Лейн жаноблари ва бошқа ўнлаб хорижлик меҳмонларнинг кулолсозлар меҳнатини юксак қадрлаб ёзган дастхатларини ўқиб, фахрландик. Англия қиролининг ўғли Чарлз, америкалик хонимга аталган махсус совғалар барчаннинг кўзини ўйнатганини қалам билан тасвирлаш қийин. Қатор хорижлик меҳмонларга тўхфа қилинган совғаларни топшириш жараёнида туширилган суратларни кўрганда кулолчилик санъати имкониятлари нақадар чексиз эканлигига, у сарҳад билмаслигига яна бир қарра иқрор бўлдик.

Яқинда Республикаимиз пойтахтида яқунланган «Ташаббус-98» кўрик-танловида гиждувонлик кулолсозлар қўлида сайқал топган буюмларни кўрган ҳакамлар ҳайъати, уларнинг сирли бармоқлари сеҳрига қойил қолишди. Ҳамма бир овоздан кулолсозлар ишини юқори баҳолади. Улар фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Республикаимиз Президенти таъсис этган махсус соврин - «Тикок» ёнгил автомашинаси билан мукофотландилар.

ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАР ҲАЙРАТИ

Биз яқинда Нарзул-

Уларнинг меҳнат маҳсуллари қўшни республикаларда намойиш этилганлиги сулолани янги ижодий муваффақиятларга ундади. Қатор Ислон Республикаларида ташкил этилган кўргазмаларда қатнашиб, республикамиз шўхратига ҳисса қўшгани учун Алишер Нарзуллаев «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.



XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика Таълим маркази умумий ўрта таълим мактабларига кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаб бермоқда. Марказ ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабаларини зарур қўлланмалар билан таъминлаш борасида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Ўзбек адабиётини ўқитиш билан боғлиқ қатор янги нашрлар ҳам юзага келди. Шу ўринда «XX аср ўзбек адабиёти» дарслигини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Кўзга кўринган адабиётшунос олимлар муаллифлигида яратилган бу янги дарс-

лик олий ўқув юртлирининг бакалавр даражасини оловчилар учун яхши совға бўлди.

«XX аср ўзбек адабиёти» дарслигида аср бошларидаги миллий уйғониш давридан бугунги кунгача бўлган адабиёт жараёнлари атрофида таҳлил қилиб берилган. Муаллифлар ўзбек адабиёти тараққиётини ёритишда давр учун муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилиб келаётган бадиий асарлар миқолида кўп муҳим масалаларни ҳам тадқиқ этишган.



Ёз-ўтмоқда соз!

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

АНГЛИЯДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Ҳозирги кунда инглиз тилини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимиздаги турли муассасалар, кўпгина ўқув юртлири ва курсларда бунинг учун барча қалайликлар мавжуд.

Лекин Англияга бориб инглиз тилини ўрганиб келиш айниқас қувончли ҳолдир. Бундай имкониятни Сизга АНГЛИЯ «CEC» мактабининг Ўзбекистондаги расмий ишончли вакили таклиф қилади. «CEC» мактаби 1969 йилда Оксфорд Университети нашриёти ва инглиз тили бўйича катта мутахассис-консултантлар гуруҳи томонидан ташкил этилган.

Бугунги кунда у Англияда ягона хусусий инглиз мактаби ҳисобланади. Кейинги 25 йил ичида Марказ ўқувчиларга курсларни ўргатиш, мутахассис ўқитувчиларнинг қатнашчиларга алоҳида эътибори билан жаҳон миқёсида машҳур бўлиб келмоқда. «CEC» мактабида ўқиб Сиз фақатгина тилини ўрганибгина қолмай, балки бутун дунёдан ўзингизга дўст ҳам орттирасиз. Инглиз оилаларида яшаб, инглиз тилида сўзлашиш эса Сизнинг сўз бойлигингизни орттиришга ёрдам беради.

Ушбу мактабнинг расмий ишончли вакили юқори синф ўқувчилари ва мактаб битирувчиларини АНГЛИЯДА ўқиш учун уч ойлик ёзги ҳамда 9 ойлик курсларга пуллик - контракт асосида ўқишга таклиф этади.

Батафсил маълумотларни Сиз 56-54-78 телефонига қўнғирок қилиб ёки Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси биноси - Бухоро кўчаси, 24-уй, 5- қават, 43-хонага ташриф буюриб билиб олишингиз мумкин.

Барча ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ўз зиммализга оламиз.

Мўлжал: Алишер Навоий номли театр биноси.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус рақам: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотулида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 23.00